



## СУФУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ДАЛИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Абдураимова Мафтұнахон Ахматовна,  
PhD, доцент, "Аудит" кафедрасы, Тошкент молия институты,  
Тошкент, Ўзбекистон.  
Email: [maftunakhon.abduraimova@mail.ru](mailto:maftunakhon.abduraimova@mail.ru)  
ORCID: 0000-0002-6325-1400*

## THE IMPORTANCE OF EVIDENCE WHEN ORGANIZING AUDITS IN INSURANCE ORGANIZATIONS

*Abduraimova Maftunakhon Akhmatovna,  
PhD, associate professor of the "Audit" department, Tashkent Institute of Finance,  
Tashkent. Uzbekistan.  
E-mail: [maftunakhon.abduraimova@mail.ru](mailto:maftunakhon.abduraimova@mail.ru)  
ORCID: 0000-0002-6325-1400*

### JEL Classification:M1, M4, M42

**Аннотация.** Ҳозирги кунда мамлакатимизда аудиторлик ва сүгурта ташкилотлари фаолиятини ривожлантириши масалалари долзарблик касб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, бозор иқтисодиётини инновацион рақамлаштириши муҳитида сүгурта ташкилотларида аудиторлик фаолиятини самарали ва профессионал ташкил этиши етакчи вазифалардан бири сифатида қаралади.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириши борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур маркибий ўзгаришиларни амалга ошириши, самарали текширув жараёнларини ташкил қилиши, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ишлар амалга оширилди.

Сүгурта ташкилотларидан олинган далилларнинг сифати уларнинг манбаларига боғлиқ. Аудиторнинг

бевосита кузатиши ва молия хўжалик муюмалаларини ўрганиши натижасида олинган далиллар энг ишончили ҳисобланади. Шунингдек, мустақил манбалардан олинган, ҳужжатларга асосланган маълумотлар ҳам ишончили ҳисобланади. Мижоз корхонанинг ахборотларга ишлов берши тизимидан тўпланганига қарамасдан, тўпланган маълумотларга асосан аудитор томонидан олинган ва ишлов берилган маълумотларнинг далил кучи камроқ ҳисобланади. Мижоз корхонанинг ахборот тизимида тузилган, ишлов берилган ва сақланаётган ҳужжатлардаги ахборотларнинг далил кучи паст ҳисобланади. Бунда ички назорат тизимининг баҳоланишини инобатга олиши зарур. Агар ушибу тизим самарали бўлса, ундан олинган ахборотдан далил сифатида фойдаланиши мумкин.

Сүгурта ташкилотларида аудиторлик текширувларини самарали ташкил қилиши нафақат иқтисодиётнинг ривожланиши, балки молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар учун

ҳам мұхым ақамиятга әга. Мазкур жарапаңда аудиторлық ташкилоти сүгурта бозори ва миңозлари учун қағыл сифатида бошқарувда ташкил қылинган ишлар ҳамда іштілгін хато ва камчиликлар юзасидан обьектив фикр берувчи субъект сифатида иширик этади. Аудитор у ёки бу хұжалик мұомаласининг ұжысатлар билан қандай расмийлаштирилаётгандығы, ҳамда бундай факт-ларни ҳисоб регистрларда акс эттиришининг кетма-кетлигін үстидан назорат үрнатышни күзатади. Бу ички назоратнинг ақвони каби, бухгалтерия ҳисобини юритши тартибига риоя қилиншишини ҳам бақолаига имкон беради. Ушбу мақолада сүгурта ташкилотларини текширишида даилларнинг ақамияты күрсатыб берилген.

**Abstract.** Currently, the issues of the development of audit and insurance organizations are becoming relevant in our country. Based on this, the effective and professional organization of audit activities in insurance organizations in the conditions of innovative digitalization of the market economy is considered one of the main leading tasks.

The reforms carried out in our country to create a stable and efficient economy are producing results today. In particular, in a short period, significant work has been done to implement deep structural changes in the economy, organize effective control processes, and strengthen the banking and financial system.

The quality of evidence obtained from insurance organizations depends on its sources. Evidence obtained as a result of direct observation and study by the auditor of financial transactions is the most reliable. Information from independent

sources based on documents is also reliable. Although collected from the client's enterprise information processing system, the evidence obtained and processed by the auditor based on the collected data is considered less significant. The evidentiary value of information in documents created, processed, and stored in the information system of the customer enterprise is considered low. The assessment of the internal control system must be considered. If this system is effective, then the information obtained from it can be used as evidence.

Effective organization of inspections in insurance organizations is important not only for economic development but also for users of financial reporting information. In this process, the audit organization participates as a guarantor of the insurance market and its clients, as a subject that gives an objective opinion about the work organized in management, as well as about errors and shortcomings. The auditor monitors how this or that business transaction is documented, and also controls the sequence of reflection of such facts in the accounting registers. This allows you to assess compliance with accounting procedures, as well as the state of internal controls. This article highlights the importance of evidence when investigating insurance companies.

**Калит сұзлар.** Сүгурта ташкилоти, аудит, даил, таҳлилий амаллар, аудит халқаро стандартлари, аудит умумий стратегияси, аудит режасаси, ички назорат, ҳисоб сиёсати.

**Keywords.** Insurance organization, audit, evidence, analytical procedures, international auditing standards, general audit strategy, audit plan, internal control, and accounting policies.

**Кириш.** Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини эркин бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ ташкил этиш иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ҳамда жаҳон хўжалиги ва молиявий тизимиға тобора интеграциялашув, оқилона сиёsat олиб бориш пировард натижада Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ва нуфузини янада оширмоқда. Шундай экан, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида сұғурта ташкилотларида аудиторлик текширувларини самарали ташкил қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Сұғурта ташкилотларида аудиторлик текширувларини самарали ташкил қилиш нафақат иқтисодиётнинг ривожланиши, балки молиявий ҳисбот маълумотларидан фойдаланувчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнда аудиторлик ташкилоти сұғурта бозори ва мижозлари учун кафил сифатида бошқарувда ташкил қилинган ишлар ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан объектив фикр берувчи субъект сифатида иштирок этади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сұғурта ташкилотларида аудиторлик текширувларини самарали ташкил қилиш, иш сифатини ошириш, аудиторлик хulosаларини ҳаққоний шакллантиришда аудиторлик далиллар муҳим аҳамиятга эга. Чунки, аудиторлик текширувларининг натижалари, хulosани расмийлаштириш тартиби аудитор томонидан олинган далилларнинг ишончлилигига боғлиқдир.

**Материал ва метод.** Сұғурта ташкилотларида аудиторлик текширувларини муваффақиятли ташкил қилиш, маълумотларнинг ишончлилиги, турли хил ахборотларни қайта ишлаш, далил йиғиш ва йиғилган маълумотлар юзасидан аудитор фикрини бериш ҳисобланади. Бевосита илмий мақолани тайёрлаш жараёнида бир қанча таҳлил усусларини қўллаш орқали текшируv натижалари самарадорлигига эришиш мумкин бўлади.

Сұғурта ташкилотларида аудиторлик текширувини ташкил қилишда далилларнинг аҳамиятини очиб бериш юзасидан қўлланилган таҳлил усуслари, албатта, илмий мақоланинг мазмун-моҳиятини очиб беради ва ушбу тадқиқотга оид таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

**Натижалар.** Умуман олганда, мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий тизим шароитида турли мулкчиликнинг ривожланиши, сұғурта ташкилотлари томонидан фаолият турларини эркин танлаш, талаб ва таклифнинг устуворлиги, ташкил иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, соғрақобатнинг мавжудлиги, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тамойилига тўлиқ амал қилиш амалиёти кетмоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиёти мавжуд ресурслардан қўпроқ даромад олишни тақозо қилади. Таъкидлаш жоизки, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасаррuf этиш фақат самара келтириши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларнинг асосий мақсади ҳам мулклардан самарали фойдаланиш орқали олинадиган фойда микдорини ошириш билан изоҳланади. Бундай натижага эришиш учун эса,

албатта, бозорнинг талабларига, унинг қонун-қоидаларга түлиқ амал қилиш орқали, шу билан бир қаторда суғурта ташкилотларининг ахборотларини шакллантиришда очиқлик тамойилини кўллаш орқали эришиш мумкин бўлади.

Суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувларини ўтказиша далилларнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Сабаби, аудиторлик текширувлари аудитор томонидан шундай ташкил қилиниши керакки, сарф-харажат кам ва текширув жараёнлари самарали бўлиши лозим. Бунинг учун, албатта, суғурта ташкилотларининг молиявий натижаларини шакллантириш тизимига ва улар бўйича йигиладиган далилларнинг ишончлилигига катта аҳамият қаратиши лозим. Аудитор суғурта ташкилотидан далил йиғаётган пайтда суғурта ташкилотининг молиявий натижаларининг қуйидаги хусусиятларига эътибор қаратиши лозим:

- молиявий натижаларнинг шаклланиши бир қанча кўрсаткичларга боғлиқлиги ва уларнинг ўзаро таъсири;
- молиявий натижа ҳисобот давридаги корхона фаолиятининг якуни ҳисобланиши;
- суғурта ташкилоти фойда билан ишлаши ёки ҳисобот даврини зарар билан якунланиши, молиявий натижаларни шакллантирувчи кўрсаткичларга бевосита боғлиқ эканлиги;
- молиявий натижаларга олдиндан аниқ бўлмаган хавф-хатарлар, тасодифий ҳодисалар ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигини назарда тутиб, далил олиш усуулларининг ҳам энг самаралисини танлаб текширув ўтказиш лозимлиги.

Иқтисодиёт барқарорлигини таъминловчи асосий жиҳат аудиторлик фаолияти эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Чунки, бозор механизмининг асосий хусусиятларидан бири суғурта

ташкилотлари ва мижозлар ўртасида уларнинг иқтисодий жавобгарлиги ҳамда түлиқ иқтисодий мустақиллиги асосида қонун ва шартномалар интизомига қатъий риоя қилиш ҳисобланади. Бироқ мазкур жиҳатлар ҳар доим ҳам тўғри йўлга қўйилаётгани йўқ. Бунинг олдини олиш учун эса, бевосита аудиторлик ташкилотларининг фаоллиги талаб қилинади. Аудиторлик амаллари ва аудиторлик далилларини етарли даражада тўплай олишда аудиторлик стандартларига жиддий эътибор қаратиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасида «Аудиторлик фаолияти стандартлари» деб аталган бўлиб, унда қуидагилар белгиланган:

«Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган аудитнинг халқаро стандартлари ҳамда сифат назоратининг халқаро стандартлари, таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари, ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари, турдош хизматларнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолияти стандартлариридир.

Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган, Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Ўзбекистон Республикасида эълон қилиш тўғрисидаги руҳсатномаси асосида аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган аудиторлик фаолияти стандартлари асосида амалга оширилади. Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси худудида кўллаш учун уларни тан олиш тартиби



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади» [1]. Шундай экан, аудитнинг халқаро стандартларидан 500-599-сон АХС «Аудиторлик далиллар» деб номланади.

Мазкур стандартда далилларга бағишлиланган 11 та субстандарт ажратилган бўлиб, уларни куйидагича келтиришимиз мумкин:

### № 500 -АХС

- № 501 АХС
- № 505 АХС
- № 510 АХС
- № 520 АХС
- № 530 АХС
- № 540 АХС
- № 550 АХС
- № 560 АХС
- № 570 АХС
- № 580 АХС

### Аудиторлик далиллар

- Аудиторлик далиллар-алоҳида моддаларни баҳолаш хусусиятлари
- Ташқи тасдиқномалар
- Бирламчи келишувлар – бошланғич қолдиклар
- Таҳлилий амаллар
- Аудиторлик танлаш
- Бухгалтерия хисобида баҳоланганди кийматлар аудити
- Боғлиқ томонлар
- Кейинги ҳодисалар
- Фаолият узлуксизлиги ҳақида фараз
- Ёзма тақдимномалар

### 1-расм. Аудит халқаро стандартларининг тузилмавий тавсифи<sup>1</sup>

1-расмда келтирилган стандартлар аудиторлик ташкилотлари томонидан суғурта ташкилотларини текширув жараёнида аудиторлик далилларини тўплашда қўлланилади. Шунингдек, суғурта ташкилотларида далилларни йиғиш ва умумлаштириш борасидаги уларга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Аудитнинг халқаро стандартида таърифланишича: «Аудиторлик далиллар – бу аудиторлик фикри учун асос бўлган хulosаларга эришишда аудитор томонидан фойдаланилган маълумот. Аудиторлик далили молиявий ҳисоботлар учун асос бўлган бухгалтерия ёзувлари ва

бошқа маълумотлардан ташкил топади» [9].

Аудиторлик ташкилоти томонидан йиғилган далиллар хulosани асослаш учун унинг микдор ва сифат жиҳатидан баҳоланиши лозим.

Аудиторлик далилларининг етарлилиги уларнинг микдори ва сифати билан белгиланади. У танлаш қўлами ва тўпламдаги муайян элементларнинг тавсифи билан боғлиқ. Ахборотларнинг сифати эса танлаш элементларининг репрезентативлиги (бош тўпламнинг ўрганилаётган белгилар бўйича хусусиятлари)га боғлиқ, яъни, репрезентативлик қанча юқори бўлса,

<sup>1</sup> Аудит халқаро стандартлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

аудиторлик риски шунча паст бўлади. Аудит рискини пасайтиришда эса, далилларнинг етарлилиги тўғрисида аудитор томонидан ички назорат тизимини баҳолаш ва аудиторлик рискининг даражасига асосланиб хulosи қилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, суғурта ташкилотининг ички назорат тизими қанчалик ишончли ва аудиторлик риски қанчалик паст эканлигидан далолат бериб, аудитор томонидан далил йифиши борасида кам аудиторлик амаллари қўлланилиши лозимлигидан далолат беради.

Суғурта ташкилотларининг молиявий хисоботдан олинадиган далиллари асосан, мустақил манбалардан олиниш ҳолати, учинчи шахслардан олинганлиги, ҳужжатларнинг ёзма ҳолатда олиниши ва уларнинг оғзаки далилларга қараганда ишончлироқ эканлиги, аудиторлик ташкилоти томонидан бевосита йиғилган далиллар, суғурта ташкилотидан олинган далилларга нисбатан ишончли бўлади.

Амалдаги стандартларга мувофиқ аудиторлик баҳолаш учун зарур

маълумотлар миқдори қатъий белгилаб қўйилмаган. Шу боисдан, аудитор ўзининг професионал фикрига таянган ҳолда суғурта ташкилоти молиявий хисоботининг ишончлилиги тўғрисида хulosани шаклантириш учун зарур бўладиган маълумотларнинг миқдори ва сифати ҳақида мустақил қарор қабул қилиши лозим. Шунингдек, аудиторлик далилларининг ўз вақтида тўпланишига алоҳида эътибор бериш зарур. Тўпланган далиллар текширилаётган хисобот тузилган санага қанчалик яқин бўлса, улар шунчалик ишонарли бўлади.

Агар хатолар ва камчиликлар тўғрисидаги далиллар мижоз корхона маъмуриятига аудиторлик хulosаси солиқ органига топширилмасдан олдин тақдим этилган бўлса, у ҳолда бухгалтерияда хисоботларга зарур тузатишларни киритиш имкони бўлади. Агар хисобот солиқ органига топширилганидан сўнг аудит ўтказилса, тузатиш киритиш имкони йўқ, лекин жорий даврда аниқланган хато ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш мумкин бўлади.



2-расм. Аудиторлик далилларининг аҳамияти<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, аудиторлик текширувларининг самарали ташкил қилиниши сугурта ташкилотларининг ички назорат тизими самарадорлигига ва текширув амалларининг энг муносабини танлаш орқали юқори натижага эришиш мумкин эканлигидан далолат беради.

Суғурта ташкилотидан олинадиган далиллар ўз навбатига кўра куйидагича туркумланиши мумкин: а) фактларни тасдиқлаш йўли билан олинган далиллар; б) хужжатлаштирилган фактларни аниқлаш йўли билан олинган далиллар; в) маҳсус ўтказилган таҳлил натижасида аниқланган далиллар.

Фактларни тасдиқлаш мулк ва мажбуриятлар муайян турларининг мавжудлигини аниқлашдан иборат. Бу усулнинг бошқа номи эса, инвентаризация деб аталади.

Хужжатлаштирилган фактларни аниқлаш молиявий ҳисоботни ва ҳисоб регистрларини тузиш учун асос бўлган дастлабки хужжатларни текшириш йўли билан амалга оширилади. Буларга таннахни асоссиз равишда ошириб юбориш ёки товарсиз операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ операциялар мисол бўлиши мумкин. Шунингдек, битта хужжатнинг турли нусхаларидаги ёзувларнинг бир-бирларига мос келмаслик ҳолатларини ҳам киритишимиз мумкин.

Маҳсус ўтказилган таҳлил натижасида фактларни аниқлаш хужжатларда келтирилган маълумотларни мантиқий қўллаш ва математик ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Бундай аргументлаш оқилона ҳисобланади ва у аудит жараёнида салмоқли ўрин тутади. Бу жараённинг асосий мақсади шундан иборатки, аудитор айrim обьектларни кўриб чиқища, ушбу обьектнинг корхона

мулки ҳисобида тан олиниши лозимлиги, ушбу обьект учун корхонанинг мулкий хуқуки мавжудлигини аниқлаши, тақдим этилган хужжатлар (шартномалар, товарлар ҳисоботи, банк кўчирмалари) ва мулкий хуқуқнинг корхонага ўтган пайтини аниқлаш асосида аудитор далилга эга бўлади ва хулоса чиқаради.

Аудиторлик далиллар хужжатларни текшириш жараёнида, хўжалик юритувчи субъект ходимлари ва учинчи шахслардан ёзма ҳамда оғзаки сўров ўtkазиш йўли билан, ҳисоб жараёнларининг бажарилиши ва хўжалик фаолияти устидан аудиторнинг бевосита кузатиши чоғида олиниши мумкин.

Аудиторлик далиллар бевосита олинадиган манбаларга куйидагилар киради: мижоз корхона ва учинчи шахсларнинг дастлабки хужжатлари, мижоз корхона бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва унинг молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили натижалари, мижоз корхона ходимлари ва учинчи шахсларнинг оғзаки билдиришлари, мижоз корхонанинг хужжатларини солишириш ҳамда унинг хужжатларини учинчи шахсларнинг хужжатлари билан таққослаш, мижоз корхона активлари ва пассивларини инвентаризация қилиш натижалари, шунингдек, унинг молиявий ҳисоботлари.

Олинган далилларнинг сифати уларнинг манбаларига боғлиқ бўлади. Аудиторнинг бевосита кузатиши ва молия-хўжалик операцияларини ўрганиши натижасида олинган далиллар энг ишончли ҳисобланади. Шунингдек, мустакил манбалардан олинган, хужжатларга асосланган маълумотлар ҳам ишончли ҳисобланади. Суғурта ташкилотининг ахборотларга ишлов бериш тизимидан тўпланганига қарамасдан, тўпланган маълумотларга асосан аудитор томонидан олинган ва

ишло берилган маълумотларнинг ишончлилиги паст ҳисобланади.

Суғурта ташкилотининг ахборот тизимида тузилган, ишлов берилган ва сақланаётган хужжатлардаги ахборотларнинг далил сифатида аҳамияти паст ҳисобланади. Шу боисдан аудиторлик текшируvida ички назорат тизимининг баҳоланишини инобатга олиш зарур. Агар ушбу тизим самарали бўлса, ундан олинган ахборотдан далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Ҳар хил манбалардан олинган ва турли шаклдаги аудиторлик далиллар аудиторлик рискини пасайтиради. Кўп ҳолларда битта ҳолат бўйича ҳар хил манбалардан тўпланган далиллар бир-бirlariga зид бўлиб чиқади. Мазкур ҳолатда аудитор вужудга келган зиддиятни ҳал этиш ва тўпланган далилларнинг ишончлилиги ҳамда хulosаларнинг асослилигига ишонч ҳосил қилиши учун қўшимча ахборотлар тўплаши зарур. Агар аудитор қандайдир муаммо бўйича етарли далиллар тўплаш имконига эга бўлмаса, буни ўзининг ҳисботида акс эттириши лозим.

Агар суғурта ташкилоти аудиторга тўлақонли текшируv учун зарур ҳажмдаги хужжатларни тақдим қилмаса ёки агар аудитор зарур аудиторлик далилларини олиш имконига эга бўлмаса, унинг олдида жиддий муаммолар вужудга келиши мумкин.

Аудиторлар аудиторлик амалларини бажариш чоғида далил йиғиши учун маълумотларни тўплайдилар. Аудиторлик амали бу муайян аудит участкасида далилларни олиш учун аудитор томонидан амалга ошириладиган ишларнинг маълум тартиби ва кетма-кетлиги ҳисобланади. Далилларни тўплаш учун қайси аудиторлик амаллари

зарурлиги ва уларни қачон бажаришни аудитор аудиторлик текшируви юзасидан умумий стратегияни белгилаш чоғида мустақил ҳал қиласди. Аудит халқаро стандартларига асосан ички назорат воситаларини текшириш, счёtlар бўйича қолдиклар ва оборотларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш ҳамда таҳлилий амаллар орқали етарли далилларни тўплаш лозим.

Ички назорат воситаларини моҳиятан текшириш аудиторларга ички назорат тизимида кўзда тутилган тадбирлар ва амалларнинг самарадорлиги (самарасизлиги) тўғрисида далиллар тўплашига имкон беради.

Счёtlар бўйича қолдиклар ва оборотларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини батафсил текшириш муайян муомалаларнинг мазмунини ва хатоларни аниқлашни назарда тутади. Батафсил текшириш, одатда, аудитор томонидан текшируv мақсадини, танлашнинг режалаштирилган кўламини ва унинг обьектларини саралаб олишни ҳисобга олган ҳолда танлов кўламини шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

Аудит амалларининг муҳим категорияси таҳлилий амаллар ҳисобланади. Таҳлилий амалнинг тури уларни кўллаш мақсади, текшируv учун зарур бўлган ахборотни тўплаш эришиш имконияти ва суғурта ташкилотининг фаолият турига боғлиқ бўлади.

Таҳлилий амалларни кўллашда суғурта ташкилотининг умумий фаолиятига қуйидаги саволномалар орқали баҳо беришимиз мумкин бўлади (1-жадвал).

**Суғурта ташкилотларида таҳлилий амалларни қўллаш бўйича саволнома<sup>3</sup>**

T/p	Муомала мазмуни	Ҳа	Йўқ	Изоҳ
<b>Ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисоби бўйича тестлар</b>				
1.	Ички назорат тизимини тестдан ўтказиш			
2.	Бухгалтерия ҳисоби тизимини тестдан ўтказиш			
3.	Ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш			
4.	Бухгалтерия хизматининг тузилишини текшириш			
5.	Аудиторлик танлашни амалга ошириш			
<b>Моҳияти бўйича аудиторлик текширувларни ташкил қилиш</b>				
6.	Ҳисоботда акс эттирилган маълумотларни текшириш			
7.	Хато ва камчиликларнинг тахминий рўйхатини тузиш			
8.	Меъёрий хужжатлар бўйича маълумотларни аниқлаш			
<b>Натижаларни умумлаштириш</b>				
9.	Олинган маълумотларни аудитор ишчи хужжатларида акс эттириш			
10.	Натижаларни аудиторлик ҳисбот ва хулосаларида расмийлаштириш			

Суғурта ташкилотлари молиявий натижаларини баҳолашда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- молиявий натижалар бўйича иш хужжатларини шарҳлаш ва яқуний иш хужжатларини тайёрлаш;
- молиявий натижалар бўйича аниқланган камчиликларнинг муҳимлик даражасини баҳолаш;
- молиявий натижалар бўйича аудиторлик далилларини етарлилигини ва мослигини баҳолаш;
- фаолият узлуксизлигини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисботовидаги молиявий натижалар бўйича ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;
- ҳисбот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш;
- текширув натижалари бўйича аудиторнинг суғурта ташкилоти раҳбариятига тақдим қиласиган ахборотини тузиш;

• аудиторлик хулосасини тузиш.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичлари бўйича аудит ўтказишдан кўйилган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаган ҳолда, текширув натижалари аудиторнинг иш хужжатларида қайд қилиниши лозим. Аудиторнинг иш хужжатларига қуйидагилар киради:

- аудит ўтказишнинг умумий стратегияси ва аудит режаси;
- аудиторлик ташкилоти томонидан фойдаланилган жараёнлар ва уларнинг натижалари баёни;
- суғурта ташкилотининг тушунтиришлари, изоҳлари ва аризалари;
- суғурта ташкилоти хужжатларининг кўчирма нусхалари, шу жумладан, фотонусхалари;
- суғурта ташкилотининг ички назорат қилиш тизими ва бухгалтерия ҳисбини ташкил этиш тизимининг тавсифи;

<sup>3</sup> Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

- аудиторлик ташкилотининг таҳлилий хужжатлари;
- бошқа хужжатлар.

Бевосита аудитни якунлаш жараёнини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, аудиторлик текшируви натижалари кўпинча оддий иш қоғозларида қўлёзма кўринишида умумлаштирилиб, ишлов берилади ва аудиторлик ҳисоботига киритилади. Ушбу вазиятни бартараф этиш ва аудит якунида аниқланган хато-камчиликларни умумлаштиришда хронологик, системали, аралаш гурухлаш усусларини қўллаш тавсия этилади. Унинг натижаларига асосланиб, хато-камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу чора-тадбирлар эса аудит натижалари бўйича аниқланган хато-камчиликларнинг сабабларини очиб бериш ва асосланган қарорлар қабул қилишни таъминлайди.

**Мунозара.** Маълумки, аудиторлик текширувларининг сифатли ташкил қилиниши хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими ҳамда мижоз корхонанинг маълумотлари билан таъминланиш даражасига боғлиқдир.

Аудиторлик текширувлари суғурта ташкилотларидан олинган далиллар ҳисобига амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, барча иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий изланишларида далилларга тўхталиб ўтган.

Хусусан, З.Т. Маматов далил бўйича куйидагиларни таъкидлаб ўтган: «Аудиторлик текширишнинг асосий тузатишлари бўйича хулоса чиқаришга асос бўлиши учун аудитор тегишли далилларни тўплаши лозим. Текшириш чоғида аудитор тўплаган ахборотлар ва таҳлилий маълумотлар аудитор далили деб аталади. Далилларни тўплаш учун

аудитор турли амалларни (процедураларни) тўплаши мумкин. Тегишли технология жарённининг ажralmas қисми бўлган далилларни тўплашнинг маълум усулини амал (процедура) деб атамиз. Уларни бошқа касбларга хос бўлган амаллардан фарқ қилиш учун аудиторлар қўллайдиган амалларни аудиторлик амаллари деб атамиз. Аудитор аудиторлик далилларини тўплаш учун уларни олиш уларнинг чекланган сонидан фойдаланади» [2].

И.Н. Кўзиевнинг фикрича, «аудиторлик далили тушунчаси аудит ўтказиш жараёнида тўпланадиган бухгалтерия ахборотидаги маълумотлар ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан ташқари олинган ахборотлар, молиявий ҳисботни тузиш учун асос бўлган далиллар аниқ ёки ноаниқликлар ёки фактларни нотўғри талқин қилишни билдиради, улар асосида аудитор томонидан қабул қилинадиган мулоҳаза ўзгариши мумкинлиги ёки унга ноаниқ ёки нотўғри фактлар таъсир қилиши эҳтимолини келтириб чиқаради деган хулосага келган» [3].

А.З.Авлокулов «аудиторлик далилларининг энг кенг тарқалган ва ишончли усули сифатида таҳлилий амаллар» эканлигини таъкидлаб ўтган» [4].

Стефан Зука эса, «аудиторлик далиллари ва уларни хужжатлаштириш натижасида олинган хулоса ундан фойдаланувчиларнинг рискларини тушуниш имкониятини осонлаштириш имконини беради дея таъкидлаган» [5].

Зеофанис Карагиоргос, Жеорж Дрогалас, Иорданис Елефериадис, Петрос Чристодулон каби олимлар «молиявий ҳисбот аудитини ўтказишда муҳим бузиб кўрсатиш риски аниқланиши лозим ва бу риск ўз вақтида аниқланмаса, аудитор



томонидан нотўғри хulosса бериш эҳтимоли юқори бўлади. Мана шу жараёнда аудиторлик далиллар мухим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилган» [6].

А.Аренс, Дж.Лоббек аудит гуруҳи раҳбари, «аудиторлик текшируви жараёнида бевосита ижрочилар билан сұхбатлашиб, мансаб йўриқномаларининг аниқ ижрочиларига етказилганинги аниқлаши ва шу билан бирга ички назоратнинг ишончлилиги ёки юзакилиги тўғрисида кўшимишча далиллар олиши мумкин. Бу эса, аудит кўлами мижоз томонидан ёки ташки шароитлар остида чегараланганинги аудиторга боғлиқ»- дея изоҳлайди.[7]

И.Х.Шеримбетовнинг фикрича, «хусусий капитал аудитини режалаштириш босқичида хўжалик юритувчи субъект фаолиятига доир рискларни аниқлаши, дастлабки баҳолаш ва шунга мувофиқ аудитнинг умумий режасини тузиши лозим. Аудит умумий режаси аудиторлик текширувани самарали ўтказилишига хизмат қилиб, унда аудит ўтказиш кетма-кетлиги ҳамда далиллар тўплашда қўлланиладиган аудит амаллари белгиланади, дея таъкидлаган» [8].

Умуман олганда, юқоридаги фикрларни умумлаштириш орқали таъкидлашимиз мумкини, молиявий ҳисбот маълумотларининг ишончлилиги тўғрисида аудитор ўз фикрини шакллантиришда, аудиторлик далилларини етарли даражада тўплаб, аудиторлик рискини пасайтиришни кўзлади. Шу орқали, аудитор томонидан текширув натижаларининг самарали бўлиши ва ижобий натижага эришиши таъминланиши мумкин.

Эътибор берадиган бўлсак, аудиторлик текширувларининг асосий қисми аудиторлик далилларини

тўплашдан иборат бўлиб, маълумотларни ийғиш, молиявий ҳисботнинг ишончлилигини, молия-хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритишига оид белгиланган қоидалар ва низомларга мувофиқлигини, шу билан бирга аудиторлик хulosаси тузиш учун аудиторнинг шахсий фикрини шакллантириш мақсадида уларни умумлаштириш ва баҳолашни назарда тутади.

Бундан ташқари, аудиторлик текширувани ўтказишида аудитни режалаштириш асосий жараёнлардан бири ҳисбланади. Режалаштиришнинг асоси сифатида далил тўплаш ҳисбланиб, етарлича далилларга эга бўлмай туриб, ҳеч қандай фаолиятни баҳолаш имкони мавжуд бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, аудиторлик хulosасини тайёрлашда далилларнинг етарлиги таъминланса, ҳеч қандай муаммо келиб чиқмайди. Умуман олганда, аудиторлик текшируvida далиллар асосий бўғин ҳисбланади, шунингдек, аудитор иши сифатини оширишда мухим аҳамият касб этади.

**Хулоса.** Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш натижасида бизнесни муваффақиятли ривожлантиришга ёрдам берадиган, суғурта ташкилотлари молиявий ҳисботларининг ишончлилиги тўғрисида хulosса берадиган, ташкилотда учрайдиган хато ва камчиликлар юзасидан уларга тегишли маслаҳат ва амалий тавсиялар бера оладиган аудиторлик хизматига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувани ўтказишида самарали текширув жараёнларини ташкил қилиш орқали аудитор кутган ижобий натижага эришиш мумкин бўлади.

Аудиторлик ташкилоти хulosса бериш учун аудиторлик далилларининг



етарли ва мослигини таъминланиши керак. Фикримизча, далилларнинг ишончлиги таъминланиши учун асосий эътиборни куйидагиларга қаратиши лозим деб ўйлаймиз:

Суғурта ташкилотининг бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисботи ва ички аудит хизматининг ҳолати, ички назорат тизими характери, шунингдек, ички аудитнинг мустақиллиги ва назорат рискини баҳолаш жараёни;

аудиторлик ташкилоти томонидан бажариладиган таҳлилий амаллар ва иш натижаларининг ҳажми;

суғурта ташкилоти томонидан йиғилган аудиторлик далилларининг маълумот манбасининг мустақил эканлиги, уларнинг ишончлилигини далиллар билан исботланиши;

суғурта ташкилотидан олинган далилларнинг ишончли ва самарали бўлиши учун таҳлилий амаллардан унумли фойдаланиш.

Суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувларини ташкил қилишда самарали усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда аудиторлик фаолиятида замонавий рақамли технологияларни кўллаш давр талаби ҳисобланади. Иқтисодиётимизни рақамлаштириш шароитида аудиторлик фаолиятида замонавий технологиялардан

фойдаланиш фаолият самарадорлигини оширишга ҳамда таҳлилий амалларнинг мураккаб микдорий усулларидан фойдаланишга имкон беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқкан ҳолда биз томонимиздан қуидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Аудиторлик ташкилоти суғурта ташкилотлари фаолиятини баҳолашда, биринчи навбатда ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолаши шарт. Ички назорат тизими бўйича далил йиғиш ва баҳолаш ишлари аудиторлик текширувини режалаштириш давомида ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди;

2. Аудиторлик далилларини йиғиша бир қанча аудит усулларидан фойдаланилади. Бизнинг фикримизча, аудитор анкета-сўровнома ва тест орқали далил тўплайдиган бўлса, биринчи навбатда далилларга оператив баҳо бериб, хато ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш имкониятига эга бўлади;

3. Далил олиш усулларидан фойдаланиб, суғурта ташкилотида таҳлилий амалларни қўллаш очиқ ва шаффоғ маълумотларни аниқлашга олиб келади, шунинг учун ҳам текширувлар давомида аудиторлик ташкилоти таҳлилий амалларнинг бир қанчасидан фойдаланадиган бўлса, ҳар томонлама самарали ва тежамкор иш кўламига эга бўлган бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2021 йил 25 февраль, ЎРҚ-677-сон
2. Маматов З.Т. Аудит. Ўқув қўлланма Т.: «Fan va texnologiya», 2007, 174 бет
3. Кўзиев И.Н., Аудиторлик текширувлари натижалари бўйича аудиторлик ҳисботлари ва хуносаларини тузиш масалалари.//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил.
4. Авлоқулов А. З. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида таҳлилий амалларни кўллашни такомиллаштириш. //Иқтисодиёт ва таълим, 2020 № 6, 234-б.



5. Stefan Zuca “Audit Evidence – Necessity to Qualify a Pertinent Opinion”.//Journal of Accounting and Public Policy Volume 20, 2015, Pages 700-704
6. Theofanis Karagiorgos, George Drogalas, Iordanis Eleftheriadis, Petros Christodoulou. Internal audit contribution to efficient risk management. //Journal of business management. <http://www.jointphd.eu/> Vol. 2, No. 1, January-June 2010
7. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. -М.: Финансы и статистика, 2013. -560 с.
8. Шеримбетов И.Х. (2023). FEATURES OF ACCOUNTING EQUITY CAPITAL COMPONENTS. //*International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(10), 55-61. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4873>
9. №500 – «Аудиторлик далиллар» АУДИТ ВА СИФАТ НАЗОРАТИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ: І ҚИСМ 1-жилд 620-924 бетлар.